



**AN ANALYSIS OF THE EXPERIENCE OF AMERICAN AND  
EASTERN COUNTRIES IN THE ORGANIZATIONAL AND  
LEGAL PROVISION OF OFFENSE PREVENTION**

**Tillayev Ikrom Rustamjonovich**

Independent Researcher, Criminological Research Institute of the  
Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814573>

**ARTICLE INFO**

Received: 20<sup>th</sup> February 2026

Accepted: 27<sup>th</sup> February 2026

Online: 28<sup>th</sup> February 2026

**KEYWORDS**

Offense prevention,  
organizational and legal  
mechanisms, public  
participation, state policy,  
scientific-analytical approach,  
foreign experience,  
Uzbekistan.

**ABSTRACT**

*This article analyzes the organizational and legal mechanisms for offense prevention in foreign countries, including American and Eastern nations. In the USA and Canada, prevention is implemented through public participation, a scientific-analytical approach, and regional programs. In Japan and Singapore, prevention systems have been developed based on the personal responsibility of society, cultural values, and cooperation between the state and the public. In these countries, preventive activities are regulated through a legal framework and territorial monitoring systems. Based on the analysis, the article highlights opportunities for adopting effective approaches from foreign experience to improve preventive activities in Uzbekistan.*

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛИЙ-  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АМЕРИКА ВА ШАРҚ  
МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ**

**Тиллаев Икром Рустамжонович**

Ўзбекистон Республикаси Криминологик тадқиқотлар институти мустақил  
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814573>

**ARTICLE INFO**

Received: 20<sup>th</sup> February 2026

Accepted: 27<sup>th</sup> February 2026

Online: 28<sup>th</sup> February 2026

**KEYWORDS**

Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси,  
ташкिलий-ҳуқуқий  
механизмлар,  
жамоатчилик  
иштирокчилги, давлат  
сиёсати, илмий-таҳлилий

**ABSTRACT**

*Мақолада хорижий давлатлар, шу жумладан Америка ва Шарқ мамлакатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкिलий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган. АҚШ ва Канадада жамоатчилик иштирокини таъминлаш, илмий-таҳлилий ёндашув ва ҳудудий дастурлар орқали профилактика амалга оширилади. Япония ва Сингапурда жамиятнинг шахсий масъулияти, маданий қадриятлар ва давлат-аҳоли ҳамкорлигига асосланган профилактика*



ёндашув, Хорижий  
тажриба, Ўзбекистон.

тизимлари ривожланган. Мазкур давлатларда  
хуқуқий асос ва ҳудудий мониторинг тизимлари  
орқали профилактика фаолияти тартибга  
солинади. Таҳлилдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда  
профилактика фаолиятини  
такомиллаштиришда хорижий тажрибалардан  
самарали ўналишлар олиш имкониятлари  
кўрсатилган.

Халқаро амалиёт шуни  
кўрсатмоқдаки, хорижий давлатлар  
хуқуқбузарликлар  
профилактикасини таъминлашда  
турли механизмлар, институционал  
моделлар ва хуқуқий ёндашувлардан  
фойдаланмоқда. Масалан, Европа  
мамлакатларида маҳаллий  
ҳокимиятлар ва фуқаролик жамияти  
институтларининг бу соҳадаги  
иштироки юқори бўлса, АҚШ ва  
Японияда ҳудудий профилактика,  
мактаб таълими тизими орқали  
таъсир ўтказиш ва фуқароларнинг ўз  
жамоаси хавфсизлиги учун  
масъуллигига асосланган ёндашувлар  
йўлга қўйилган. Шу боис, хорижий  
давлатларнинг  
хуқуқбузарликларнинг олдини  
олишнинг ташкилий-хуқуқий  
таъминлашга доир самарали  
тажрибаларини ўрганиш, таҳлил  
қилиш ва миллий шароитимизга  
мослаштириш бугунги ислоҳотлар  
жараёнида муҳим илмий ва амалий  
аҳамият касб этмоқда.

Америка қитъаси давлатларида  
хуқуқбузарликлар  
профилактикасининг ташкилий-  
хуқуқий таъминлаш бўйича  
тажрибаси таҳлил қилинади.

1) АҚШда жиноятчиликнинг  
олдини олиш сиёсати федерал ва штат  
даражасида амалга оширилади. Ҳар

бир штатда профилактиканинг ўз  
хуқуқий базаси, молиявий манбалари  
ва махсус дастурлари мавжуд.  
Федерал даражада эса Адлия  
вазирлиги қошидаги Миллий  
жиноятчиликни олдини олиш  
Кенгаши орқали умумий  
концепциялар ва тавсиялар ишлаб  
чиқилади. Кенгаши жамоатчиликни  
хабардор қилиш, таълим бериш ва  
илмий асосланган профилактика  
моделларини жорий этиш билан  
шуғулланади.

АҚШ тажрибасининг ўзига хос  
жиҳати қафолатланган жамоат  
хавфсизлиги стратегияси (Community  
Policing Strategy) ҳисобланади. Унга  
кўра, полиция фақат жиноятни  
аниқлаш ва жазолаш органи эмас,  
балки жамоа ичидаги муаммоларни  
ҳал қилишда фаол иштирок этувчи  
институционал шерик сифатида иш  
юритади. Ҳар бир туманда  
жамоатчилик ва полиция ўртасида  
ҳамкорлик асосида жиноятларга  
қарши профилактик чоралар ишлаб  
чиқилади ва қўлланилади. Бу  
жараёнда маҳаллий аҳоли, маҳалла  
кенгашлари, нодавлат ташкилотлар  
ва таълим муассасалари билан  
ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда болалар ва ёшлар  
ўртасида хуқуқбузарликларнинг  
олдини олишга алоҳида эътибор



қаратилган. Масалан, “Safe Start” ва “Communities That Care” каби дастурлар орқали мактаб ёшидаги болаларда муаммоли хулқ-атворнинг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, руҳий саломатликни тиклашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади<sup>1</sup>. Бу дастурларда фақат таълим эмас, балки психология, тиббиёт ва оилавий маслаҳат хизмати ҳам бирлаштирилган.

Бундан ташқари, АҚШда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича маълумотлар базаси ва таҳлил қилиш марказлари кенг тарқалган. Махсус илмий марказлар ва университетлар профилактиканинг самарадорлигини баҳолаш, омилларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу амалиёт асосида қўлланиладиган ҳар бир профилактика модели илмий асосланган, натижавий ва ҳисоботли бўлиши талаб этилади.

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш жоизки, АҚШда профилактиканинг институционал асослари, жамоа иштирокини таъминлаш ва илмий-таҳлилий ёндашувлар самарадорликни таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Бу тажриба Ўзбекистонда ҳам жамоатчиликни фаол жалб қилган ҳолда профилактика сиёсатини шакллантириш, ҳуқуқбузарликлар таҳлили асосида қарорлар қабул

қилиш, полиция фаолиятини инсон ҳуқуқларига мослаштириш бўйича фойдали ўрнатилган хизмат қилиши мумкин.

2) Канадада ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси марказлашган, асосли сиёсатлар орқали амалга оширилади. Миллий стратегия (NCPS) орқали ҳудудий дастурлар молиялаштирилиб, камбағаллик, ижтимоий ҳассослик каби хавф омиллари устидан ишланади. Хусусан, маҳаллий жамоатлар ва ҳассос гуруҳларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ёндашув Канадада замонавий ва натижали профилактика сиёсати бўлиб, умумий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

NCPC (National Crime Prevention Centre) – жиноятчилик профилактикаси бўйича марказ сифатида фаолият юритади. У ички тизимларда сиёсатларни ишлаб чиқиш, илм-фан асосидаги ёндашувларни тарғиб қилиш ва провинция ҳамда ҳудудлар билан ҳамкорликда жамоатчилик лойиҳаларига грантлар ажратиш орқали жиноятчиликни камайтиришга ҳисса қўшади. Янада давомли молиялашув орқали, 2023 йилги бюджет эълонида жиноятларни профилактика қилиш учун йиллик асосий маблағлар 30 миллион доллардан 63 миллион долларга оширилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Теория разбитых окон: распространение беспорядка // URL: <https://сосолине.ру/паГЭС/теория-разбитых-окон-распространение-беспорядка> (муружаат вақти: 15.09.2022). Хўжақулов С.Б., Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти.

Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2023.–Б.153.

<sup>2</sup> Supporting the Successful Implementation of the National Crime Prevention Strategy



Миллий стратегия орқали (Risk protective factors – NCPS) жиноятчиликка олиб келувчи хавф омилларини (масалан, камбағаллик, оилавий беқарорлик, ижтимоий изоляция) аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича профилактика чораларини амалга оширилади<sup>3</sup>.

Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича тажрибаси таҳлил қилинади.

1) Япониянинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги асосий хусусияти бу тизимнинг миллий маданият, анъанавий интизом ва жамиятдаги юқори даражадаги ижтимоий масъулият билан боғлиқлигида намоён бўлади. Японияда профилактика нафақат давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамиятнинг ҳар бир фуқароси иштирок этадиган жамоавий масъулият тарзида ташкил этилган<sup>4</sup>.

Профилактика фаолиятида “Кōban” тизими яъни, маҳаллий полиция пунктларининг аҳолининг кундалик ҳаётидаги иштироки муҳим ўрин тутди. Кōban бу жойларда хизмат қилаётган полиция ходимлари доимий равишда маҳалла аҳли билан мулоқотда бўлиб, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, эътиборни тортаётган шахслар ва омилар юзасидан тезкор маълумот тўплаш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш каби вазифаларни бажаради<sup>5</sup>. Бу тизим жамоатчилик билан доимий мулоқотга асослангани боис, жиноятнинг олдини олишда ишонч муҳитини яратишга хизмат қилади.

Японияда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун таълим муассасалари ва оилалар билан яқин ҳамкорликда ишлаш тизими мавжуд. Мактабларда махсус профилактик машғулотлар, ахлоқий тарбия ва полиция вакиллари билан даврий учрашувлар ташкил этилади. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликка мойил

[//https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/spprtng-mplmtn/index-en.aspx?utm\\_source=chatgpt.com](https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/spprtng-mplmtn/index-en.aspx?utm_source=chatgpt.com)

<sup>3</sup> Evaluation of the National Crime Prevention Strategy. // [https://www.securitepublique.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/2023-vtn-ncps-snpc/index-en.aspx?utm\\_source=chatgpt.com](https://www.securitepublique.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/2023-vtn-ncps-snpc/index-en.aspx?utm_source=chatgpt.com)

<sup>4</sup> Кобец П.Н. Комплексное криминологическое исследование особенностей предупреждения преступности в современной Японии // Руссиан Журнал оф Эсономисс анд Лав. 2021. Т. 15, № 3. – С.558. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/2782-2923.2021.3.566> (556-572).; Департамент оф Соррестонс Вашингтон стате. URL: <https://www.dos.wa.gov/about/contact.htm>.; Яковлева М.А. К вопросу о правовом регулировании механизма профилактики преступности // URL: <https://С:/Усерс/УСЕР/Доунлоадс/к-вопросу-о-правовом-регулировании-механизма-профилактики-преступности.пдф> (мурожаат вақти: 04.12.2022).

<sup>5</sup>Зарубежный опыт взаимодействия правоохранительных органов с институтами гражданского общества и населением / Попов С.А., Сабанина Н.О., Переверзева М.Н., // Ссиенсе анд эдусатион: проблемс анд инноватионс: сборник статей ИИ Международной научно-практической конференции, Пенза. 12 октября 2019 года. Пенза: Наука и Просвещение (ИП Гуляев Г. Ю.), 2019. С. 53–55.; Зиядуллаев М.З. Зарубежный опыт системы охраны общественного порядка и профилактики правонарушений в населенных пунктах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2017. № 2 (63). С. 45 (42–47). DOI: [https://doi.org/10.12737/articls\\_58ec9f58500dc0.49778903](https://doi.org/10.12737/articls_58ec9f58500dc0.49778903).; Валиев Н. Д. Вопросы приемлемости (применения) опыта полиции зарубежных стран по взаимодействию с обществом и его формированиями в деятельности органов внутренних дел Республики Таджикистан // Труды Академии МВД Республики Таджикистан. 2018. № 1 (37). С. 118 (115–121).



шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш дастурлари кенг йўлга қўйилган.

Қонун устуворлиги ва фуқароларнинг шахсий масъулияти Япония жамиятида шунчалик юқорики, кўп ҳолларда полициянинг фаол аралашувиға эҳтиёж сезилмайди. Жамиятда “халол ном” ва “жамоат олдидаги шарм” тушунчалари жиноят содир этилиш эҳтимолини камайтирадиган кучли маданий омиллар ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жамиятда ижтимоий қадрият сифатида тан олинишини таъминлаш, жиноятчиларни қайта тарбиялаш бўйича Япония тажрибасидан андоза олган ҳолда жиноятчиларни қайта тарбиялаш борасида давлат ва жамиятнинг ролини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2) Сингапурда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қатъий ҳуқуқий назорат, интизом ва жамоат хабардорлигига асосланган давлат сиёсати шаклида амалга оширилади. Бу давлатда “нулл толерантлик” сиёсати, яъни жиноятга мутлақо мурасиз муносабат асос қилиб олинган бўлиб, у барча фуқаролар учун аниқ қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини юклайди<sup>6</sup>.

Сингапур профилактикасидаги асосий таянадиган механизмлардан бири қонунчиликдаги аниқлик ва қатъий жазо чораларидир. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазоларнинг оғирлиги, уларнинг муқаррарлиги ва ижтимоий муҳокаманинг мавжудлиги фуқароларни ҳуқуқбузарликдан тийиб туради<sup>7</sup>. Шу билан бирга, бу жараён фақат жазога эмас, балки фуқароларни ҳуқуқий билим ва ахлоқий қадриятлар орқали тўғри йўлга йўналтиришга ҳам асосланади.

Сингапур миллий жиноятчиликнинг олдини олиш кенгаши (NCPC) фаолият юритиб келади. У ноқоммерция ташкилоти бўлиб, фаолияти жамоатчиликнинг жиноятчилик ҳақидаги хабардорлигини ошириш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда шахсий масъулиятни рағбатлантиришга қаратилган<sup>8</sup>. Кенгаш жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида жамоат ташкилотлари ва давлат органлари, жумладан полиция билан ҳамкорликни ташкил қилади, шунингдек, “Scam Alert” интернет-портали фаолиятини таъминлайди<sup>9</sup>. Ушбу электрон саҳифада жиноятчиларнинг ҳаракатларидан жабрланган шахслар ҳикоялари жойлаштирилади.

<sup>6</sup> Хайлова М. П., Шестак В. А. Предупреждение преступности в Республике Сингапур // Вестник экономической безопасности. 2022. № 6. С. 244–248. <https://doi.org/10.24412/2414-3995-2022-6-244-248>.

<sup>7</sup> Хайлова М. П., Шестак В. А. Предупреждение преступности в Республике Сингапур // Вестник экономической безопасности. 2022. № 6. С. 244–248. <https://doi.org/10.24412/2414-3995-2022-6-244-248>.

<sup>8</sup> Серия университетских модулей. Предупреждение преступности и уголовное правосудие. Модуль 2 // ООН. [Электронный ресурс]. – URL: [https://www.unodc.org/documents/e4j/CPCJ/CPCJ\\_Module\\_2\\_Russian\\_FINAL.pdf](https://www.unodc.org/documents/e4j/CPCJ/CPCJ_Module_2_Russian_FINAL.pdf) (дата обращения: 19.03.2020).

<sup>9</sup> Scam Alert Singapore // [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.scamalert.sg> (дата обращения: 19.03.2020).



Сингапурда аҳоли, айниқса ёшлар ва ҳимоясиз тоифалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик дастурлар кенг йўлга қўйилган. “Public Education Programme” (Оммавий таълим дастури) орқали ҳар бир фуқаро ҳуқуқий маданият ва жавобгарлик борасида мунтазам равишда хабардор қилиб борилади. Бунда оммавий ахборот воситалари, интернет, мактаблар, оила ва маҳаллаларда ташкил этиладиган махсус семинарлар муҳим ўрин тутди.

Профилактик фаолиятда аҳоли билан доимий алоқада бўладиган полиция ходимлари ва фуқаролик ташкилотлари иштирокида қўшма назорат гуруҳлари ташкил этилган. Ушбу гуруҳлар ҳуқуқбузарликларга мойил жойлар ва шахслар юзасидан мониторинг олиб боради, огоҳлантириш ва тушунтириш ишларини амалга оширади.

Сингапурда профилактиканинг устувор жиҳати бу давлат органлари ва аҳоли ўртасидаги ишончли муносабатлар, тартибга мойиллик ва шахсий жавобгарликнинг маданий қадрият сифатида мустаҳкамланиши ҳисобланади. Инсоннинг ўз хатти-

ҳаракатлари учун масъул эканлигини англаш маданияти жамиятда ҳуқуқбузарликка қарши мустаҳкам иммунитет шакллантиришга хизмат қилади.

Хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш нафақат ўз вақтида ишлаб чиқилган қонуний воситалар, балки жиноятчилик тўғрисида етарлича хабардор ва полицияга ёрдам берадиган жамиятнинг фаол иштирокида ҳам олиб борилади<sup>10</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб, Япония ва Сингапур тажрибаси, ҳар иккисининг ўзига хос маданий ва институционал хусусиятларига қарамасдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга оширишда жамиятдаги интизом, ҳуқуқий онг, шахсий масъулият ва давлат-аҳоли ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Япониянинг Кōбан тизими орқали профилактик ишонч муҳитини яратиш тажрибаси ҳамда Сингапурнинг интизомга асосланган ҳуқуқий сиёсати Ўзбекистонда профилактика фаолиятини такомиллаштиришда қўллаш мумкин бўлган самарали ёндашувлардандир.

<sup>10</sup> Хайлова М. П., Шестак В. А. Предупреждение преступности в Республике Сингапур // Вестник

экономической безопасности. 2022. № 6. С. 244–248. <https://doi.org/10.24412/2414-3995-2022-6-246-247>.